

“ЎТМИШДАН ЭРТАКЛАР” ҚИССАСИ ФРАЗЕОЛОГИЯСИНИНГ ТАРЖИМАДА БЕРИЛИШИГА ДОИР



<https://doi.org/10.5281/zenodo.7393843>

Ҳамидов Хайрулла Худоёрович

филология фанлари доктори (DSc), доцент, Тошкент давлат
шарқшунослик университети, Тошкент ш. Ўзбекистон.

Tel: +998 90 960 0623; E-mail: hamidovx@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада атоқли ўзбек адиби Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўтмишдан эртаклар” қиссасидаги фразеологик бирликларнинг истеъдодли таржимонлар К.Симонов ва К.Ҳакимовлар томонидан амалга оширилган русча таржимаси («Сказки о былом»)да берилиши масаласи мухтасар кўриб чиқилади.

Таянч сўзлар: қисса, бадиий таржима, фразеологизм, мақол, образли кўчма маъно.

АННОТАЦИЯ

В данной статье с точки зрения переводоведения рассматривается вопрос передачи фразеологизмов в повести выдающегося узбекского писателя Абдуллы Каххара “Ўтмишдан эртаклар” в русском переводе («Сказки о былом»), которая была сделана талантливыми переводчиками К.Симоновым и К.Хакимовым.

Ключевые слова: повесть, художественный перевод, фразеологизм, пословица, метафорическое значение.

ABSTRACT

In this article, from the point of view of translation studies, the issue of the transfer of phraseological units in the story of the outstanding Uzbek writer Abdulla Kakhkhar “O‘tmishdan ertaklar” in Russian translation (“Tales of the past”), which was made by talented translators K.Simonov and K.Khakimov, is considered.

Key words: story, literary translation, phraseological unit, proverb, metaphorical meaning.

Абдулла Қаҳҳор асарлари дунёнинг бир қанча тилларига таржима қилинган. Хусусан, асарнинг русча таржимаси шарофати билан собиқ шўро республикаларидаги адабиёт ихлосмандлари ўзбек адабиётининг энг сара асарлари билан танишишга муваффақ бўлган. Ушбу мақолада адибнинг

“Ўтмишдан эртақлар” қиссасидаги фразеологик бирликларнинг таниқли рус шоири, истеъдодли таржимон Константин Симонов ва ўзбек таржимони К.Ҳақимовлар томонидан амалга оширилган таржимаси («Сказки о былом») таҳлилга тортилади.

Тилнинг кенг ифода имкониятларини намоён қилувчи фразеологизмлар нутқ таъсирини кучайтирувчи ва инсонлар томонидан ўзлаштирилиб, уларнинг онгига чуқур сингиб кетган сўзлар сифатида халқнинг урф-одати, анъаналари, маданияти ва тарихини ўзида яққол акс эттиради. Уларнинг бадиий таржимада берилиши фаннинг долзарб мавзуларидан ҳисобланади.

А.Қаҳҳорнинг “Ўтмишдан эртақлар” асари, таъбир жоиз бўлса, ўзбекча мақол, матал ва иборалар хазинасидир. Унинг илк саҳифаларидан сўнгги саҳифасига қадар муаллиф ва персонажлар нутқига мақол, матал, идиомалар ва бошқа кўчма маъноли сўз ва бирикмалар “жило бериб турган”ини кўрамыз. Масалан, асарда ўзбек тилида жуда кўп қўлланиладиган, “бир инсон ёки унинг мулкига ёмон ниятда қараш” маъносидаги (бир инсонга) “кўз тикмоқ”, “кўз олайтирмоқ” иборасига бир неча марта дуч келинади: “Сиз уялинг, бир мўминнинг хотинига кўз олайтиргани сиз уялинг! – деди [1,14]. Ушбу гап русчага қуйидагича ўтирилган: “Как вам не совестно заигрывать с чужими женами? Как не совестно?” [2,17]. Аслиятдаги гапнинг мазмуни таржимада бера олинган. Аммо ўзбекча жумладаги фразеологизм (кўз олайтирмоқ) русчада заигрывать (“кўз олайтирмоқ” маъносига эга эмас) феъли воситасида, “бир мўминнинг хотини” “чужие жены” деб “қуруқ”, “ширасиз” бериб қўйилган. Яъни таржимада фразеологизмнинг аниқ эквиваленти йўқлиги важ қилиниб, таржима тилида мавжуд, бироқ маънони қоплай олмайдиган сўз ва бирикма воситасида берилган. Бу эса таржима тилининг ифода имкониятларини чеклаган.

Баъзан аслият тилида бир-бирига синоним бўлган бир неча иборанинг таржима тилида биргина эквиваленти топилиши мумкин. Масалан, ўзбекча “қўлини ҳалолламоқ” иборасига эътибор қаратамиз: “Зингер” олгунича хирсдай бўлиб қолган ўғлининг қўлини ҳалолласа бўлмайдими?...[1,6] жумласи қуйидагича ўтирилган: “...чем покупать «Зингера», лучше сделал бы обрезание своему единственному сыну!” [2,6] Бу ерда “...хирсдай бўлиб қолган ўғил” бирикмаси “единственный сын” деб “суннат қилиш” маъносидаги “қўлини ҳалолламоқ” иборасига аниқ эквивалент топилмагани сабабли эркин бирикма (“сделать обрезание”) шаклида ўтирилган.

Маълумки, образли кўчма маъно фразеологизм семантикасининг асо-сий ун-сури ҳисобланиб, улар тўла ёки қисман кўчма маъно касб этади. Уларнинг асосий хусусияти – мазмуннинг ифодаланаётган маънога мувофиқ келмаслигида намоён бўлади.

Бадий асарлардаги фразеологик бирликлар таржимаси хусусида таржимашунос олим Ғ.Саломов шундай деган эди: “Бадий асарга жило бериб турган унинг заррачалари: мақол, матал, идиомалар ва бошқа кўчма маъноли бирикмалар ҳамда сўз ўйинларини яхши таржима қилиш таржимада ўша асарнинг бадий қимматини, завқини айнан сақлашга имкон берса, бундай ибораларни хом, чала, сунъий таржима қилиш, пировардида уни бошқа тилга етаклаб ўтиб майиб қилишга олиб келади”.

Қуйидаги кичик парчада адиб бир нечта фразеологик бирлик қўллаганини кўрамиз: “Онаси ҳам шунга илҳақ бўлиб кўз юмолмаяпти, – деди кампир нафаси титраб, қачон олдиға кирсам: “Тўй қачон, кўзим очиклигида қизимнинг тўйини кўриб қолай”, дейди. Ўзимнинг ҳам шартим кетиб, партим қолган” [1,28]. Таржимаси: “Мать её, бедняжка, все ждет, не может спокойно умереть, – сказала бабушка дрожащим голосом. – Как ни зайду к ней: “Свадьбу когда сыграете? Пока, жива, хочу свадьбу дочери увидеть!”.. Да я и сама все дряхлею” [2,28]. Мана шу кичик парчада ўзбек тили ўзининг бутун “қадди-басти”, ифода қудрати билан намоён бўлган бўлса, таржимонлар икки тилни мукамал билиш, рус тили фразеологиясини эгаллаганлик қобилиятларини кўрсатганлар. Буни “илҳақ бўлиб кўз юмолмаслик” иборасини “не мочь спокойно умереть” шаклида, “шарти кетиб, парти қолмоқ” иборасини эса “пока, жива” деб берилганлигида яққол кўриш мумкин.

Бир хил вазият икки халқ бадий тафаккурида турли воситалар билан ифодаланиши мумкин. Натижада, бир хил маъно ва услубий вазифани бажариш учун хизмат қиладиган икки ўзаро муқобил иборанинг баъзи компонентлари фарқ қилади.

Таржимашуносликда фразеологик бирликларни ўгиришнинг қу-йидаги усуллари ажратилади:

1. Аслият тилидаги фразеологик бирликни таржима тилидаги муқобилга ҳар жиҳатдан тенг бўлган фразеологик бирлик воситасида ўгириш (кўрпага қараб оёқ узатмоқ – по одежке протягивать ножки). Ўзбек ва рус тилларида бундай бирликлар кўпчиликни ташкил этади.

2. Бевосита муқобил топилмаганда аслиятдаги фразеологизмни таржима қилинаётган фраза билан умумий маънога эга, аммо бошқа луғавий-образли

асосга қурилган ўхшаш фразеологик бирлик воситасида таржима қилиш (гаҳ деса, қўлига қўнмоқ – по струне ходить; Бош омон бўлса, дўппи топилади – Был бы хомут, лошадь всегда найдется). Бироқ, бундай вазиятда кўпинча маъно жиҳатдан яқин, аммо шаклан фарқли фразеологизмлар ҳиссий-ассоциатив бўёққа эга бўлади.

3. Фразеологик бирликларни ўтиришда калькалаш усули (сўзма-сўз таржима) энг бесамар, аммо баъзан йўл қўйиладиган усул ҳисобланади (Ой-куни яқинлашиб қолган... – остались считанные дни...; бир бошга бир ўлим – одна смерть на одну голову).

4. Жумла ичида фразеологизм ва унинг кўчма маъноси қисқача изоҳлаш йўли билан берилади (бить баклуши – бекорчиликдан кўча чангитиб юрмоқ).

5. Таржима тилида маъно жиҳатдан бир хил ва муқобил фразеологик бирликлар бўлмаганда унинг кўчма маъносини изоҳлаш, яъни турғун бирикмани эркин бирикмага трансформациялаш усули қўлланилади. Масалан, русча “қаттиқ севиб қолмоқ” маъносида қўлланилувчи по уши влюбляться (сўзма-сўз: қулоғигача ошиқ бўлмоқ) фразеологизми ўзбек тилида ҳеч қандай маъно англатмайди. Уни ё биргина сўз билан, ё эркин бирикма, изоҳ йўли билан бериш мумкин.

Фразеологизмларни бир тилдан бошқасига ўтирганда ҳар қандай ҳолатда ҳам уларни образли асослари айнан мувофиқ келадиган бир вариант билангина таржима қилиш баъзан сунъийликка олиб келиши мумкин. Ҳар қандай шароитда ҳам бундай бирликларни асар таржима қилинаётган тилдаги бошқа муқобил вариантлар билан кўр-кўрона алмаштириш услуб чалкашлигига, таржима тилининг чегараланиб, қашшоқ бўлиб қолиши, бир хил қолипдаги сийқаси чиққан мақол ва идиомаларнинг узлуксиз такрорланишига олиб келади. Масалан, русчада айнан муқобили кам топиладиган “кўнглини узмоқ”, “кўнглини олмоқ”, “кўнгли бор”, “кўнгли йўқ” ва “кўнгил” сўзи асосига қурилган ўнлаб ўзбекча иборалар қўлланилган. Бироқ уларнинг русча таржимаси ҳам қизиқарли, ҳам тортишувли масалалардан ҳисобланади. М: “Савринисонинг Азимга ҳеч ҳам кўнгли йўқ экан, – деди аям” [1,29]. Русча таржимада ушбу жумла “Не лежит у нее душа к Азиму, – сказала мама, вздохнув... [2,29] шаклида берилган ва бунинг бошқа варианты йўқ. Шу нуқтаи назардан таржимани тўғри деб баҳолаш керак. Чунки рус тилидаги “душа не лежит” ибораси ўзбек тилидаги “кўнгли йўқ” иборасининг ўрнини қоплай олади.

Яна бир мисол: Икковининг ҳам оғзи қулоғида [1,117]. Они довольные... [2,108]. Бу ерда “жуда хурсанд” маъносидаги “оғзи қулоғида” ибораси русчага биргина сўз (довольные) воситасида берилган.

Яна бир мисол: “... чолнинг бу гапи бошимдан кириб, товонимдан чиқиб кетди” [1,15]. Инсонга бир гап, воқеа-ҳодисанинг қаттиқ таъсир қилишини адиб “бошидан кириб, товонидан чиқиб кетмоқ” деган ўз ибораси орқали ифодалаган. Таржимонлар эса буни русчага “сильно ранить душу” (қалбини қаттиқ яраламоқ) фразеологик бирикмаси воситасида муваффақиятли ўгирганлар. Ўзбекча жумла бутун таровати билан русча таржимада ўз аксини топган. Таржимонларнинг истеъдоди аслият муаллифи манерасини ўзида мужассамлантира олганлигида намоён бўлган. Улар аслият сўзларини таржима тили муқобиллари билан алмаш-тирар экан, асарнинг бадиий тўқимасига эътибор берган ҳолда қайта ифодаланишни таъминлаганлар: “Эти слова старика очень сильно ранили мою душу” [1,17].

Таъкидлаш керакки, фразеологик birlikларни ишончли ўгиришнинг таржимон учун қийинлиги ушбу birlikларнинг кўпчилиги тил эгаси бўлган халқнинг урф-одатлари, маданияти, психологияси, диний қарашлари билан чамбарчас боғлиқлигида ҳамдир [5]. Бу эса ўз навбатида таржимондан халқнинг моддий ва маънавий, урф-одатлари, миллий ўзига хосликлари, аслият тили фразеологияси табиатини теран ҳис этиш, шу билан бирга таржима тили фразеология захираси билан яқиндан таниш бўлган ҳолда, икки маданият, икки тил фразеологизмларини таққослаши, улар орасидаги муштарак ва фарқли жиҳатларни аниқлаб олишни талаб этади. Кўп ўринларда рус таржимони ўзбекча ибораларни биргина сўз билан берган. Масалан, бир неча ибора қўлланилган “Мендан олдин ва мендан кейин туғган саккиз боласини қора ер бағрига берган аям энди мени ер-кўкка ишонмас, кўз ўнгидан бир қадам нари жилгани қўймас эди” [1,6] жумласи русчага содда қилиб “Похоронившая восьмерых детей, мама не доверяла меня никому и потому не отпускала от себя ни на шаг” [2,9] шаклида ўгирилган. Ўзбекча матндаги қора ер бағрига бермоқ ибораси “похоронить” феъли воситасида, “ер-кўкка ишонмаслик” – “не доверять” бўлишсиз феъли воситасида берилган. “Кўз ўнгидан бир қадам нари жилгани қўймаслик” мураккаб фразеологик бирикмаси эса русча матнда, гарчи “кўз ўнги” бирикмаси “от себя” келишик шаклидаги олмош воситасида ифодаланган бўлса-да, “не отпускать от себя ни на шаг” бирикмаси воситасида ўгирилиб, аслиятга яқинлаштирилган.

Асардаги “Унинг ўрнида кўзлари қинидан чиқай деб турган, ранги соқолидан ҳам окроқ, вужуди титраб, узун соқоли силкинаётган даҳшатли бир одам турарди” [1,13] жумласи рус тилига ишончли ағдарилган: “Выпученные глаза готовы были выскочить из орбит. Лицо старика казалось бледнее его седой бороды. Он весь дрожал от негодования [2,14]. Ўзбекча жумла русчага учта содда гап шаклида ўгирилган бўлса-да, мазмун тўлиқ берилган. Ҳатто рус таржимони “кўзлари қинидан чиқай деб турган” бирикмасини “глаза готовы были выскочить из орбит” деб ўгириб, аслиятдаги камчиликни бартараф қилганига ҳам гувоҳ бўламиз. Чунки ўзбек тилида юрак “қинидан чиқади”, кўз эса “қосасидан чиқади”.

Аслиятдаги иборани тўғри, ишончли ўгириш учун таржима тилида мавжуд синонимик иборалардан энг моси танлаб олинади. Баъзан икки тилда бир хил маънода ишлатилган ибораларнинг тузилиши, шакли ва образли асослари бутунлай бошқача бўлиши мумкинлигини таъкидлаган Ғ.Саломов фақат маънолари контекст ичидагина бир-бирининг ўрнини қоплай оладиган иборалар хусусида “Баъзан бир бирикмага айна контекст ичида бир эмас, бир неча бирикма мувофиқ келиши мумкин. Бирикманинг муқобиллари ёки муқобил вариантлари фақат контекст ичидагина бир-бирини алмаштира олар экан, бунда уларнинг маъноси тўғри келса ҳам, кўпинча шакллари ва, айниқса, объектлари мувофиқ тушмайди”[3,267].

Баъзи ўринларда йўл қўйилган нуқсонлар таржимонларнинг ўзбек халқи ҳаётини етарли даражада тасаввур қила олмаганликлари, оригинал матн маъно нозикликларини тўла илганмаганлиги асл нусха сўзларининг таржимада тушириб қолдирилиши эса иш жараёнида йўл қўйилган эътиборсизликдан далолат беради.

“Ўтмишдан эртаклар” асарининг рус тилига таржимасида фразеологизмлар ижодкордан алоҳида эътиборни талаб этган. Масалан, “Дадам рўпара бўлиши билан унинг оғзидан ҳақорат устига ҳақорат ёғилди, икки гапни бирида “келгинди ит” деб, қизидан ешитган гапларни дадамнинг юзига солди, яна ҳақорат қилди” жумласи “Как только вышел мой отец, на него посыпались оскорбления. То и дело слышалось: “Пришлая собака...” Все, что ему с преувеличениями рассказала дочь, в его воображении обрело еще большие размеры, и он выложил это моему отцу” деб ағдарилган. Бу ерда таржимонларнинг жуда “эркин” ҳаракат қилганликлари кўриниб турибди.

Таржимашунос Қ.Мусаев аслият ва таржима тилидаги фразеологизмларнинг ҳар доим ҳам бир-бири ўрнини қоплай олмаслиги

хусусида қуйидагиларни таъкидлайди: “Асл нусха ва таржима тиллари лисоний имкониятлари одатда ўзаро уйғунлик ҳолатида бўлмаслиги, яъни икки тил сўз ва ибораларининг мазмуни билан эстетик қиймати қатор матний ҳолатларда бир-бирининг ўрнини қоплай олмаслиги талай таржимавий қийинчиликларни юзага келтиради. Бундай ҳолларда ифоданинг бадиий-эстетик қийматини қайта яратиш таржиманинг аслият матнига моддий жиҳатдан эмас, вазифа жиҳатдан монанд келишини тақозо этади” [4,11].

Фразеологизмлар тузилишидан қатъий назар, бўлинмас яхлит бирлик сифатида гап таркибига киришидан ташқари, таҳлил чоғида ташкил этувчи компонентнинг эмас, иборанинг гапдаги синтактик вазифаси ҳақида сўз юритиш, у жумла ичида лексик бирлик вазифасида бўлса-да, ташкил этувчи компонентларга ҳам эътибор қаратиш кераклиги ҳисобга олинмоғи керак [7].

Хулоса қилинадиган бўлса, ҳар қандай бадиий асарда миллий ўзгачаликни намоён этувчи унсурлар талайгина ва уларни таржимада бериш кўпинча бир қатор муаммолар юзага келишига сабаб бўлади. Уларни бартараф этиш эса таржимондан муаллифга тенг қобилият ва истеъдод талаб қилганлиги боис бунга эришиш қийин. Буни, асосан, фразеологик бирликлар таржимаси мисолида кўриш мумкин. Чунки, фразеологизмларнинг ишончли қайта яратилиши таржимондан алоҳида ёндашув талаб этиш билан бирга уларни асардаги мингларча сўз орасидан ажратиб олиш ва оддий йўл билан бошқа тилга ўгириш мумкин эмас.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, ўзбек ва рус тилларида кўпчилик фразеологик бирликларнинг кўп жиҳатдан ўхшашлиги таржимон меҳнатини бир жиҳатдан осонлаштира-да, кўп ҳолларда таржимондан ўта эҳтиёткор бўлиш, фразеологик бирликларнинг қандай, қай вазиятда юзага келганлиги, манбаи, образли асосларини чуқур ўрганишни талаб қилади. Умуман, ўзбек адабиёти намуналарининг русча таржималари устида олиб борилган тадқиқотлар ўзбек ва рус тиллари орасида таржима амалга оширилаётганда бир қатор муаммоларга дуч келинаётгани ҳақиқат. Демак, бу соҳага ҳам жиддий эътибор бериш ва бадиий тар-жиманинг умумий муаммоларидан ажратиб қўймаслик ўзбек адабиётининг русийзабон китобхонларга юқори бадиий савияда етказиб беришда муҳим аҳамият касб этади.

Абдулла Қаҳҳор асарларида ўз ифодасини топган, асарга ўзбекона руҳ бағишлаган ўзбек халқ мақоллари, матал ва идиомаларининг русча ва бошқа тилларга қилинган таржималари билан бирга олиб, таҳлил қилиниши таржима

назарияси ва амалиёти, таржима танқидчилиги олдида турган муҳим ишлардан бўлиб қолади.

REFERENCES

1. Qahhor Abdulla, O‘tmishdan ertaklar, qissa. – Тошкент: Global Books. 2021.
2. Каххар Абдулла, Сказки о былом, повесть. Перевод К. Симонова и К. Хакимова. – Тошкент: Sharq, 2019.
3. Саломов Ғ. Тил ва таржима. – Т.: Фан, 1966.
4. Мусаев Қ, Таржима назарияси асослари. – Тошкент: Фан, 2005.
5. Maqol va idiomalar tarjiması muammolari. –Toshkent: ToshDSHI, 2017. –128 b.
6. Турк фразеологияси масалалари, – Тошкент: “Баёз” нашриёти, 2019. –160 б.
7. Ўзбек қисса ва романлари турк тилида. – Тошкент: «EFFECT-D» нашриёти: 2022. – 276 б.